

Бугун, 2022 йилнинг 16 майидан Сурхондарёда маҳалла раислари (оқсоқоллари) сайлови бошланди.



721 та маҳаллада сайлов бўлиб ўтади;

- 186 781 нафар сайловчилар иштирок этиши белгиланган;
- 2 344 нафар номзодлар сайловда иштирок этиши белгиланган бўлиб, шундан 334 нафари (14,2%) амалдаги раислар, 2010 нафари биринчи маротаба сайловда иштирок этади.

Бугун сайловнинг дастлабки кунида вилоятдаги 62 та маҳалла раиси муқобиллик асосида сайланди. Маҳалла раислари (оқсоқоллари) сайлови белгиланган график асосида давом этади.

Айни кунларда Олтинсой туманида ҳам сайлов жараёнлари бошлаб юборилди. Бугун, туманинг “А.Воътаев”, “Янги қурилиш”, “Шакарқамиш” ҳамда “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов ўтказилди.

Сайлов қонун доирасида шаффоф, очиқлик тамойиллари асосида юқори савияда ташкил этилмоқда.

Сайлов жараёнларида фуқаролар фаол иштирок этишмоқда.